

МОЛИЯ БОЗОРИДА КОРПОРАТИВ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ АХАМИЯТИ

Ф.И.Гулбаева

Иқтисодиёт ва педагогика университети ассистенти

Feyagulbayeva97@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11170474>

Аннотация: Корпоратив қимматли қоғозлар корпоративлар томонидан эмиссия қилинган қимматликларга доир шартномалар тузиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир. Корпоратив қимматли қоғозларнинг мазмуни шундан иборатки, улар компаниялар ва акциядорлик жамияти томонидан чиқарилади.

Калит сўзлар: Молия бозори, корпоратив қимматли қоғозлар, Қимматли қоғозлар бозори, пул-кредит.


Корпоратив қимматли қоғозларнинг фонд биржасидаги асосий вазифа ва мажбуриятлари бўш турган капиталларни тўплаб, уларни иқтисодиётни ривожлантиришдаги стратегик жараёнларга йўналтиришдир. Инвестицион фаолиятдаги ушбу капиталларни жалб қилиш бозор шароитида эркин ишлашни таъминлаб беради.

Корпоратив қимматли қоғозлар бу компания, банк ва ташкилотлар ёки жисмоний, юридик шахслар томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлардир. Қимматли қоғозлар бозори эмитентларга акциялар ва корпоратив облигациялар чиқариш орқали капитални жалб қилиш учун кенг турдаги имкониятларни яратиб беради. Банк тизими билан ўзаро ҳамкорликда қимматли қоғозлар бозори иқтисодиётнинг молиявий ва реал секторлари ўртасидаги боғловчи бўғин вазифасини бажаради. Шунингдек, жамғармаларнинг инвестицияга айланишига, уларнинг ўсишига ва капитал тақсимотини тақсимлашга ёрдам беради. Қимматли қоғозлар бозорининг иқтисодиётдаги ўрни кўп жихатдан унинг монетизация даражасига боғлиқ, чунки муомаладаги пул массаси иқтисодиётнинг ҳал қилувчи муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётнинг валюта массаси билан тўйинганлик даражаси ликвидлилик ва кредит ресурслари ва инвестицияларни молиялаштириш муаммолари билан бевосита боғлиқдир. Макроиқтисодий фикр билан айтганда иқтисодий айланманинг монетезация даражаси пул массасининг ЯИМга нисбати сифатида аниқланади. Бу ерда трансформация жараёнининг иқтисодий назарияси муҳим зиддиятли бирликка қарши чиқади яъни, бир томондан, инфляция жараёнларини кучайиш хавфи шароитида пул-кредит органлари инфляцияни ёки пул массасини ўсишини тартибга олган ҳолда қатъий пул-кредит сиёсатини олиб боришга мажбур. Иккинчи томондан эса, иқтисодиётда пул етишмаслиги молия бозорини ривожланишига тўсқинлик қилади. Бу классик назария трансформация жараёни билан намоён бўладиган қарама-қаршиликлардан бири ҳисобланади.

Корпоратив қимматли қоғозларнинг шаклланиши ва унинг турлари адабиётларда турлича талқин қилинади. Корпоратив қимматли қоғозларнинг ҳар қандай акциядорлик жамияти томонидан чиқарилиши мумкин бўлган акциянинг таърифини кўриб чиқамиз. (1-жадвал)

1-жадвал. Акциялар уз эгасининг ҳуқуқий жихатдан таъминланиши

Акцияларнинг ҳуқуқий жихатдан таъминланиши



Рус олими Н.С.Сорокина иқтисодчи И.А.Дикарева билан биргаликда корпоратив қимматли қоғозни қимматли қоғоз сифатида талқин қилади, унинг эмитенти акциядорлик жамиятлари, корхоналар, бошқа ташкилий-ҳуқуқий мулкчилик шакллари ташкилотлари, шунингдек банклар, инвестиция компаниялари ва фондлардир. Шу билан бирга, корпоратив қимматли қоғозлар бозоридаги асосий хужжатлар, муаллифларнинг фикрига кўра, акциялар, облигациялар, векселлар ва чеклардир деб ўз фикрларини билдирганлар.

С.М.Боицов эса фақат акцияларни корпоратив қимматли қоғоз деб аташ ҳуқуқига эга деган позицияга амал қилади. Шу билан бирга, ўз тадқиқотлари давомида у муаллифларнинг бошқа позицияларини топди, хусусан: В. И.Ли ва Л.А.Токмакова корпоратив қимматли қоғозларга акциялар, эмитентнинг опциялари ва депозит квитанциялари киритилган.

А. Н. Асаул корпоратив деб корпорация томонидан чиқарилган ҳар қандай қимматли қоғозни, шу жумладан корпоратив векселларни, корпоратив облигацияларни ва бошқалар; А.В.Габова нуқтаи назарига кўра, корпоратив ҳуқуқларни таъминлайдиган қимматли қоғозлар, акциялардан ташқари, ёпиқ ўзаро фонднинг инвестиция улуши ва иштирок этиш учун ипотека сертификати деб эътироф этишган.

Яна бир рус олими М.М.Агарков фикрича, корпоратив қимматли қоғозлар ҳам корпоратив ҳуқуқ тушунчасини билдириб, корпоратив қимматли қоғозлар қайси жихатдан корпоратив ҳуқуқни таъсифланиши билан фарқланади ва уларни

мажбурият-хуқуқий, мулкӣ-хуқуқий ва корпоратив турларига ажратиб кўрсатиш мумкин» деб таъкидлаган.

Иқтисодчи олим А. А. Kirillovov корпоратив қимматли қоғозлар хўжалик, асосан акциядорлик жамияти ишларида иштирок этиш хуқуқини ифодаловчи қоғозлар эканлигини кўрсатади деган фикрни билдириб ўтган.

Ўзбекистонда фонд бозори ривожланиш концепцияси мавжуд. Республикамизда қимматли қоғозлар бозори назарияси фонд бозорини ривожлантириш бўйича халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда мавжуд ички бошқарув амалиёти асосида шакллантирилади. Бу борада нуфузли халқаро ташкилотлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўрганилмоқда. Шунинг учун фонд бозорини ташкил этишнинг республика учун зарур бўлган шакллари яратиш учун уни кўришнинг классик тамойиллари қўлланилди, лекин миллий менталитетни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсати доирасида ҳисобга олинди. Концепцияга асосан бу кириб бориш босқичма-босқич ва кетма-кетликда изчил равишда амалга оширилмоқда. 2008-йил 22-июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунига мувофиқ “Қимматли қоғозлар- ҳужжатлар бўлиб, улар бу ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ хуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган хуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутди. Қимматли қоғозларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади.” ушбу қонунга кўра, қимматли қоғозларга акциялар, облигациялар, депозит, жамғарма сертификатлари, хазина мажбуриятлари шунингдек, ҳосила қимматли қоғозлар киради.

Қимматли қоғозлар бозори давлат молиявий тизимининг ажралмас қисми ҳисобланиб, институционал ва ташкилий-функционал хусусиятлари, жамғармаларни инвестицияларга айлантириш ва кейинги ишлаб чиқариш жараёнининг оптимал йўналишини танлови бўйича тавсифланади. Шунини таъкидлаш жоизки, замонавий шароитда иқтисодий ўсишнинг муҳим молиявий манбаалари шаклланадиган ва иқтисодиётнинг инновацион ўсиши учун зарур бўлган инвестиция ресурслари тақсимланадиган соҳа бу молия институтлари тизимидаги қимматли қоғозлар бозоридир. Корпоратив қимматли қоғозларнинг фонд биржасидаги асосий вазифа ва мажбуриятлари бўш турган капиталларни тўплаб, уларни иқтисодиётни ривожлантиришдаги стратегик жараёнларга йўналтиришдир. Инвестицион фаолиятдаги ушбу капиталларни жалб қилиш бозор шароитида эркин ишлашни таъминлаб беради.

References:

1. <https://lex.uz/> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида Тошкент ш., 2008 йил 22 июль, ЎРҚ-163-сон.
2. Бойцов С. М. Понятие корпоративной ценной бумаги // Ленинградский юридический журнал. 2015. № 3(41). С. 69—76. Агарков М. М. Учение о ценных бумагах. М., 1993. С. 35

3. Кирилловых, А. А. Понятие ценной бумаги: теория, практика и современные законодательные новации // Законодательство и экономика. 2014. N 12. с. 50.
4. Сорокина Н. С., Дикарева И. А. Рынок корпоративных ценных бумаг России //Международный научный журнал «Инновационная наука». 2017. № 01-1. С. 97.
5. Raxmatov Sherqo'zi Akbar Kodirov. Ta'lim jarayonida bulutli texnologiyalardan foydalanishning samaradorligi. Pedagogis Internatsional researcg. ISSN:281-4027_SJIF:4.995. 2023/5/15. Ст-69
6. Tuxtanazarova N. A Davletov A. J. , Mavlanberdiyev S. F., Norqulova Z. N., Jurayeva F. B., Jurayeva D. Sh. STUDY RATIO OF MOISTURE AND BIOME FOR EXTREME SITUATION. ВЫСШАЯ ШКОЛА• №23 / 2021. 2021/12/23. ст 34-36.
7. Aliqulov, Shukurullo, Ziyavutdin Turayev, and Javlon Nishonov. "BOSHLANG 'ICH SINF O 'QUVCHILARINING MATEMATIK SAVODXONLIGINI OSHIRISHDA TIMSS XALQARO BAHOLASH DASTURINING ROLI VA AHAMIYATI." *Молодые ученые* 2.10 (2024): 85-90.
8. Sh.Aliqulov. M.Yaxiyaxonova. Ta'lim samaradorligini oshirishda kreativ va zamonaviy metodlarning ahamiyati. Raqamli ta'lim muhitida fanlararo integratsiyani Qo'llashning ta'lim samaradorligiga ta'siri: xalqaro Tajribalar va rivojlanish istiqbollari. 2024/3/15. ст 491-497
9. ShukurulloFayzullo o'g'li, Aliqulov. "TA 'LIMDA MULTIMEDIYA TEXNOLOGIYALARINI QO 'LLASH." *PEDAGOGS* 50.2 (2024): 51-55.
10. ALIQULOV SHUKURULLO FAYZULLO. TA'LIM JARAYONIDA MULTIMEDIA VOSITALARINI QO'LLASH. JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS VOLUME – 45 | ISSUE – 2 January – 2024. Ст 61-65
11. Xo'jaqulov S.B. Huquqbuzarliklar umumiy profilaktikasi usullarining ilmiy amaliy tahlili // O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasining axborotnomasi. – 2017. - № 4. 49 b 98
12. Shamsiddinov, G'iyosjon, and Gulandom Raxmatova. "O 'ZBEKISTONDA AXBOROT HAVFSIZLIGINI MA'NAVIY VA HUQUQIY ASOSLARI." *Solution of social problems in management and economy* 3.4 (2024): 45-57.
13. Shamsiddinov, G'iyosjon, and Temurbek Zarifov. "GLOBAL TARMOQ QURISHDA TARMOQ QURILMALARIDAN FOYDALANISH VA TARMOQ TOPOLOGIYALARINING O'RNI." *Science and innovation in the education system* 3.5 (2024): 50-60.
14. Shamsiddinov, G'iyosjon, Jasmina Murodulloyeva, and Umida Nurmaxmatova. "YASHIL IQTISODIYOT VA YO 'NALISHLARI BO 'YICHA TA'LIM DASTURLARINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI." *Models and methods in modern science* 3.5 (2024): 44-49.
15. Shamsiddinov, G'iyosjon, Umida Nurmaxmatova, and Durdona Turayeva. "INFORMATIKA VA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNING TA'LIM JARAYONIDAGI O'RNI." *Science and innovation in the education system* 3.4 (2024): 102-105.
16. Shamsiddinov, G'iyosjon, Jasmina Murodulloyeva, and Durdona Turayeva. "GLOBAL IQLIM O 'ZGARISHI SHAROITIDA EKOLOGIK BARQARORLIKNI SAQLASHNING ZAMONAVIY, INNOVATSION USULLARI." *Инновационные исследования в современном мире: теория и практика* 3.3 (2024): 103-106.